



# ХАВАР

O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMMUNIKATSIYALAR AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2001 yil, 30 noyabr № 48 (481)

Ўтовда нархи erkin

**Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигида "Ўзбектелеком" АК акциядорларининг навбатдан ташқари умумий мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Агентлигининг Бош директори А. ОРИПОВ олиб борди. Акциядорлик компания ва жамиятлари, корхона, ташкилот раҳбарлари иштирок этган бу йилгида кун тартибидаси қатор масалалар муҳокама қилинди.**

"Ўзбектелеком" АК бош директори Х.Муҳитдинов «Корхона молиявий-хўжалик фаолиятининг 2001 йил, 9 ойлик иш якунлари тўғрисида» ҳисобот берди. Ҳисоботда айтилишича, ўтган 9 ой мобайнида барча мулк шаклидаги корхоналар томонидан қўшимча қўймақ солиғи билан режаласи 36959,3 млн. сўм ўрнига амалда 38048,5 млн. сўм даромад олинган. Аҳолига режаласи 10961,7 млн. сўм ўрнига 11979,2 млн. сўмлик алоқа хизматлари кўрсатилган. Тариф даромади "Фарғона Телеком" АЖ дан ташқари компаниянинг барча корхоналари томонидан баҳариланган.

2001 йилнинг 9 ойда электралоқа корхоналари томонидан 102,1 млн. та шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари амалда оши-

## ЙИГИЛИШ ҲАҚИДА

рилган ва 753,5 мингта телеграммалар жўнатилган. Телефон сўзлашувлари бўйича "Қашқадарё Телеком" ШКдан ташқари барча корхоналарда режа уддаланган. Бу боралда "Навоий Телеком", "Сирдарё Телеком" ва "Тошкент таксофони" АЖларда юқори натижаларга эришилган.

Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини қайта қуриш ва ривожлантириш Миллий дастурига мувофиқ "Ўзбектелеком" АКда 2001 йилнинг 9 ойида 2155,5 млн. сўм миқдорда капитал маблавлар ўзлаштирилди. Өзлаштирилган капитал маблавларнинг умумий ҳажмидан корхоналарнинг хусусий маблавлари 1659,8 млн. сўмни, хорижий сармоя ва кредитлар 263,6 млн. сўмни, банк кредитлари 80,8 млн. сўмни ва аҳоли маблавлари ҳамда бошқа заёмлар ҳисобига 151,3 млн. сўмни ташкил этади.

2001 йилнинг 1 октябр ҳолатига қўра бюджет ташкилотларининг алоқа хизматларига булган қарзлари 788,5 млн. сўмдан иборат бўлди. Хўжалик судлари орқали 760 та корхонадан 141,7 млн. сўм ундириб олинди. Дебиторлик қарзларининг ўсишига йўл қўйган корхоналар раҳбарларига нисбатан маъмурий чора кўрилмоқда.

"Ўзбектелеком" АК ва унинг тар-

кибига кирувчи корхоналар билан биргаликда телекоммуникация соҳасида кичик ва ўрта талбиркорликни ривожлантириш учун шароитлар яратиш бўйича тадбирлар амалда оширилмоқда. Компания ишгирида Агентлигининг ишчи гуруҳи томонидан "Почта ва телекоммуникация соҳасида яқка тадбиркорлар фаолиятини ташкил этиш бўйича тавсиялар" ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Телекоммуникация соҳасида фаолиятларни лицензиялаш ҳақида"ги низоми билан лицензия талаб этмайдиган кичик талбиркорлик субъектларининг фаолият турлари аниқланган.

Х. Муҳитдинов ўз маърузасида компаниянинг ташқи иқтисодий ва халқаро алоқалар фаолияти, маҳаллий ҳамда шаҳарлараро телефон алоқаси фаолияти, маркетинг хизмати, қадрлар масаласи тўғрисида ҳам ҳисобот берди.

Шунингдек, кун тартибидан ўрин олган ҳудудий акциядорлик жамиятлари операторларини компанияга қўшилиш йўли билан "Ўзбектелеком" АКни қайта ташкил этиш ҳақидаги масалани йиғилганлар бир овоздан қўллаб-қувватладилар.

У. ЙЎЛДОШЕВ

## АЛОҚАЧИ АЁЛЛАР БЎШ КЕЛМАДИ

Чирчиқ шаҳрида "Оналар ва болалар йили"га бағишланган аёллар ўртасида тармоқлараро спартакиада ўйинлари бўлиб



ўтди. Мусобақада ишгирик этган 16 та тармоқ терма жамоа-

"Тошкент Телеком", "Тошкент телеграф-телефон станцияси", "Навоий почтаси" АЖлари ва Тошкент электротехника алоқа институти вакилларидан ташкил топган алоқачи аёллар терма жамоаси стритбол ҳамда волейбол бўйича иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

Яқуний босқичдан сўнг Агентлига Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори А. Орипов спортчиларни эришилган зафарлар билан табриқлади. Келгусида алоқачи спортчилар бундан ҳам юқори чўққиларни забт этишларида омад тилади. Терма жамоа аъзолари ва мураббийларига эсдалик совғалар топширилди.

Учрашувда Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси

## ТАРИФЛАР ХУСУСИДА СЕМИНАР-КЕНГАШ

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигида Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти билан ҳамкорликда "Почта ва телекоммуникациялар хизматлари тарифларини шакллантириш ва тартибга солиш" мавзусида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Уни Агентлик бош директорининг ўринбосари А. Жибек раҳбарлигида ўтказилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг монополияга қарши ва табиий монополиялар қонуничилиги устидан назорат бошқармаси бош тафтишчиси С. Зиёев "Агентлик тизимига кирувчи корхона ва ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан ўтказилган текшириш натижалари тўғрисида" маъруза қилди.

Маърузачи Агентлик тизимига қарашли 180 та корхона ва ташкилотлар текширувдан ўтказилган, ушбу текширув жараёнида Ўзбекистон Республикаси "Товар бозорларида монополия фаолиятини чеклаш ва рақобат тўғрисида"ги, "Табиий монополиялар тўғрисида"ги, "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуларнинг қўлпана моддалари бузилаётгани, натижада 236614,1 минг сўм асосиз даромад олинганлиги, бу ортқича даромад жаримаси билан ундирилганлиги ва бошқа камчиликлар аниқланганлигини айтиб ўтди. Бундай камчиликларга йўл қўймастик учун зарур чора-тадбирлар қўриш лозимлиги таъкидланган.

Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази директори Р. Исоевнинг "Телекоммуникация хизматлари кўрсатиш технология жараёнларини қайта ишлаш умумий модели", Давлат алоқа инспекцияси бош-

лиги Ф. Зиёевнинг "Почта ва телекоммуникация тармоғида тарифларни тўғри жорий этиш учун назоратни таъминлаш бўйича асосий қондалар", Агентлик маркетинг тадқиқотлари ва тарифлар бўлими бошлиғи ўринбосари В. Тарасенконинг "Почта ва телекоммуникация тармоғида тарифлар сисъатининг асосий йўналишлари", Тошкент электротехника алоқа институти кафедра мудири Т.Буткеевларни, "Тарифларни давлат томонидан бошқарилиши масалалари", "Ўзбектелеком" АК тарифлар бўлими бошлиғи Н. Кузинанинг "Тарифларни телекоммуникация хизматига йўналтиришининг муҳимлиги" ва бошқа мавзуларда маърузалар тингладилар. Маърузаларда тарифлар борасида ҳали ечимланган кўпгина муаммолар, масалалар борлиги, буларни ҳал қилиш хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

И.ОМОНОВ

## АКЦИЯДОРЛИК КОРХОНАЛАРИДА

"Бухоро Телеком" акциядорлик жамиятида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Бухоро Телеком" АЖнинг "Ўзбектелеком" АК га қўшилиши мусобаботи билан қайта ташкил этилиши тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Муҳокамада сўзга чиққан "Ўзбектелеком" АК бош ҳисобчиси М. Бердибеков ва "Бухоро Телеком" АЖнинг бош директори Ш. Худойбердиев корхонанинг "Ўзбектелеком" АКга қўшилиши натижасида хорижий сармояларни жалб этиш учун реал имкониятлар билан бўлиши, бу эса ўз навбатида чет эл кредитлари бўйича қарзларни узиш

учун қудай шарт-шароитлар яратишини, асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва тармоқларнинг модернизациялаш йўли билан корхона янада тараққий этишини таъкидладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги бош директорининг ўринбосари Ш. Обидхўжаев иштирок этди.

А. ИСТАМОВ,  
Бухоро вилояти

"Қашқадарё почтаси" акциядорлик жамиятида корхона акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилди. Унда "Корхонанинг жорий йил, 9 ойлик

## "ХАВАР" ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

Обуна - 2002

### ЎРМАТЛИ МУШТАРИЛАРИ

Агар Сиз "Хавар"га яна обуна бўлсангиз, алоқа соҳасидаги жамияти янгиликлар, муаммолар ва диққатга сазовор масалалардан ўз вақтида хабардор бўлиб борасиз.

"Хавар" газетасига 2002 йил учун обуна давом этмоқда. Газетамизга барча алоқа бўлимларида ва газета дўконларида обуна бўлиш мумкин.

### Нашр кўрсаткичи:

Яқка тартибдаги обуналар учун - 227.

Ташкилотлар учун - 228.

"Хавар" газетаси ҳар ҳафтанинг муборак жума куни хонадонингизга қўриб боришини истасангиз, тезроқ обуна бўлишга шошилинг!

Р. ҚИЛИЧЕВА,  
Қашқадарё вилояти

Алоқа тармоғида меҳнат хавфсизлиги муҳофазасини таъминлаш доимо долзарб масалалардан бири бўлиб келган. Ушбу муаммолни масала яқинда селектор орқали бўлиб ўтган хайъат йиғилишида ҳам кўриб чиқилган эди. Бу хусусда Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси марказий кўмитаси раиси Т. НАЗАРЖОНОВ мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

## ИНСОН ОМИЛИ БОШ МАСАЛА

Соҳа корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар алоқа ходимлари касба уюшмаси марказий кўмитасининг 2000 йил, декабр ойидаги IУ пленумида муҳокама қилинган эди. Унда корхоналарда меҳнат муҳофазасини янада яхшилаш борасида тегишли қарор қабул қилиниб, ишларни тўғри ташкиллаштириш, масъуа ходимлар жавобгарлигини ошириш юзасидан янги электор белгилаб олинган. Афсуски, жойларда мавжуд бўлган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ҳамда бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш, хавфсизлик техникаси қондаларига риоя қилинишини назорат қилиб боришда старли даражада иш олиб борилмапти.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бўйича олиб борилаётган ишлар "Андижон Телеком" АЖнинг Хонобод, Корасув, "Бухоро Телеком" АЖнинг Ғиждувон, Вобкент, "Тошкент Телеком" АЖнинг Дўстобод,

"Хоразм Телеком" АЖнинг Шовот, "Қорақалпоқ Телеком" АЖнинг Тахитшо, Хўжайли, "Навойи Телеком" АЖнинг Кармана, "Сурхондарё Телеком" ШКнинг Қизириқ филиалларида, шунингдек, "Алоқавест" АЖнинг Навойи, Сурхондарё, Хоразм, Бухоро, Қорақалпо-

автотранспорт воситаларидан фойдаланишда ҳам камчиликлар мавжуд. Транспорт воситаларини таъмирлаш ва сошлаш жавдалари тасдиқланмаган, автомашиналарни ҳайдоовчиларнинг уйда туришига руҳсат берилган. Хавфсизлик техникаси қондалари бўйича йўриқ-

берилмади.

"Ўзбекистон почтаси" давлат акциядорлик компаниясида ҳам меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича старли даражада иш олиб борилмапти. Компанияда меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси билан шуғулланган алоҳида мутахассис тайинланмаган.

2001 йилнинг 9 ойи ичида "Ўзбекистон почтаси" ДАК таркибидagi акциядорлик жамиятларида иш жойларидаги шароитларни яхшилаш ва ходимларни шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлашда компания бўйича 11 миллион сўм сарфланган ҳолос.

Меҳнатни муҳофаза қилиш борасида тармоқда қуйидаги масалаларни ҳал этиш лозим:  
— Алоқа линиялари монтерларини симёғочларга чиқиб ишлашда фойдаланиладиган монтерлик камари ва чангаги эскириб қолган. Чангаларни оёқларга тақиб олинган тасмалар яроқсиз. Кўпгина чангаларда эса бундай тасмалар йўқ. Буларсиз симёғочларга чиқиб ишлаш монтерлар учун жуда хавфлидир. Алоқа монтерларини монтерлик камари ва чангаги билан таъминлаш ҳамда мунтазам равишда ишга яроқлилигини кўриқдан ўтказиш зарур;

— алоқа монтерларига махсус кийим сифатида аскарларнинг кийим-боши берилмоқда. Почта ташувчиларга эса ҳеч қандай кийим-бош берилмапти. Алоқа монтерлари ва почта ходимлари

### •Муаммо • Мулоҳаза

учун махсус кийим текилиши лозим;

— иш жойларида аттестация ўтказиш керак;

— ўлим билан боғлиқ бўлган бахтсиз ҳодисалар асосан алоқа монтерларининг линияларда иш бажаришни пайтида содир бўлмоқда. Алоқа линияларининг электр тармоғи линиялари билан кесилиб ўтган хавфли жойлари жуда кўп. Бир неча йиллардан бери бу камчиликлар бартараф этиб келинмоқда, лекин электр линияларини қуришда, реконструкция қилишда ҳамда алоқа линияларини тортишда хавфли кесилмавлар яна пайдо бўлишига йўл қўйилмоқда. Бундай хавфли жойларни бартараф этиш учун алоқа кабелли, симлар, абсет кўвурлари ва маблаг муаммоларини ҳал этиш керак. Шунингдек, "Қашқадарё Телеком" шўба корхонасининг Қамашчи филиали зилзила натижасида авария ҳолатига келиб қолган. Уларни хавфсиз бино билан таъминлаш чорасини кўриш лозим.

Юқорида қайд этилган муаммо ва камчиликларни ҳал этиш кечиктириб бўлмайдиган масалалардир. Негаки, соҳанинг ривож жодимларнинг саломатлигига, хавфсизлигига, ижтимоий ҳимояси оиласининг хотиржамлигига боғлиқ. Зеро, инсон омили ҳамма нарсадан устун.

И. АҲМЕДОВ ёзиб олди

хистон, Қашқадарё, Фарғона механизациялашган кўчма жамланмаларида ўрганиб чиқилди.

Ўтказилган текширишларда "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси таркибидagi филиалларда кўпгина камчиликлар борлиги, жумладан, алоқа монтерлари ва кабелчиларни эрталаб линияларга чиқаришдан олдин алоқа муҳандислари томонидан уларда асбоб-анжомлар, махсус кийимлар ҳамда ҳимоя воситаларининг борлиги ва ишга яроқлилиги текширилмаётганлиги, монтерларнинг линиялардаги иш жараёнида хавфсизлик техникаси қондаларига нечоелик риоя қилаётганлиги масъуа мутахассислар томонидан назорат қилиб борилмаётганлиги аниқланди. Шунингдек, алоқа линияларини электр тармоғи линиялари билан кесилиб ўтган айрим жойлари ҳисобга олинмаган, далолатномага киритилмаган ва уларни бартараф этиш чоралари белгиланмаган.

"Сурхондарё Телеком" ШК, "Хоразм Телеком" ва "Тошкент Телеком" акциядорлик жамиятларида

нома умуман тузилмаган.

Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар натижасида уч киши вафот этган ва икки киши оғир жароҳат олган.

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси директорлар кенгаши билан алоқа ходимлари касба уюшмаси марказий кўмитаси IУ пленуми кўшма мажлисининг 2000 йил, 16 декабрдаги қарорига корхона раҳбарлари вилоятлар бирлашган касба уюшма кўмиталари билан биргалликда меҳнат хавфсизлиги муҳофазаси бўйича олиб борилаётган ишларни ҳар чоракда кўшма мажлисларда кўриб бориш топирилган эди. Бу тadbир 2001 йилнинг биринчи чораги бўйича фақат Фарғона, Сурхондарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида бажарилди, ҳолос. 2001 йилнинг иккинчи чораги якуни бўйича қилинган ишлар ҳақида республика алоқа ходимлари касба уюшмаси марказий кўмитасига ва "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясига ҳеч бир вилоятдан маълумот

## ТЕЗКОР ХИЗМАТ — ДАВР ТАЛАБИ

Маълумки, 1995 йили Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялари тармоғини қайта қуриш ва ривожлантириш бўйича Миллий дастури қабул қилинган эди. Дастурга асосан кейинги йилларда Денов тумани ва Денов шахрида аҳолига телефон хизмати кўрсатишни жаҳон андозаси даражасига кўтариш борасида амалий ишлар қилинмоқда. Бу борада соҳага чет эллик сармоядорларни жалб этиш ижобий натижа бермоқда. Яқинда хорижий ҳамкорлар билан "АСХС-10" рақамли телефон станциясининг қуриб битказилиши бунинг яққол далилидир.

Яқунланаётган йилда эса хонадонлардаги ва жамоалардаги телефон нуқталари янги рақамли АТ-Стга тўла уланди. Туман бўйича тўрт мингдан ортиқ телефон жаҳон талабларига мослаштирилди.

Хўш, янгиликнинг афзалликлари кўпроқ нималарда кўринмоқда? Биринчидан, алоқа сифати бугунги замон талаби даражасида яхшиланди. Мижозларнинг шикоятларига, ҳақли эътирозларига деярли ҳоҳлат қолмади. Иккинчидан, рақамли телефон станцияси шаҳобчалари мижозларга кўшимча хизматлардан фойдаланиш имконини берди. Бундан ташқари, Денов шаҳрининг "Гулистон" кўрғонидида алоҳида икки минг рақамли

телефон станцияси ишга туширилди. Станцияга Бухородан келтирилган алоқа қурилмаларини ўрнатишда хорватиялик сармоядорлар ҳамда қирғизистонлик мутахассислар яқиндан ёрдам бердилар.

Тезкор хизмат давр талабига айланган бир пайтда бу каби станцияларнинг ишга туширилиши шубҳасиз мижозларимиз сафи кенгайишини ва хизмат сифатининг тубдан яхшиланишини таъминлайди.

Ўрол ЖўРАЕВ,  
"Сурхондарё Телеком" ШК  
Денов филиали раҳбари



Ишни дастлаб телефончиликдан бошлаган Жумагул БОЙМУРДОВА турли вазифalarda меҳнат қилди. Кўплаб шогирдлар тайёрлади. Ҳозирги кунда «Жиззас Телеком» ШК Зарбдор филиалини бошқармоқда. Ўз тажрибаларини АТС муҳандиси Илҳом ТОҶИБОЕВга ўргатмоқда.

Рашид СОДИҚЗОДА суратга олган

### ТАБРИҚААЙМИЗИ

Тошкент электротехника алоқа институти жамоаси институтнинг ўзбек ва рус тиллари кафедраси мудири **Наира ЕҚУБОВА**ни турилган кунни билан табриқлайди. Унга узоқ умр, оилавий хотиржамлик, соғлиқ, педагогик фаолиятида омадлар тилайди.

"Қорақалпоқ Телеком" акциядорлик жамияти Беруний филиали жамоаси корхона директори **Рустам ҚОДИРОВ**ни 60 ёшга тулиши муносабати билан чин дилдан табриқлайди. Унга узоқ умр, сийдат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, алоқа соҳасидаги ишларида ривож тилаб қолади.

"Андижон почтаси" АЖ Избоскан филиали жамоаси корхона директори **Абдуғофур ХИРМОНОВ** ҳамда бош хисобчи **Бахромонов НИЗОМОВ**ларни турилган кунни билан чин дилдан табриқлайди. Уларга сийдат-саломатлик, ишларида омад тилаб қолади.

"Бухоро Телеком" АЖ ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касба уюшма кўмитаси жамоалари корхона ходимлар бўлимининг етакчи мутахассиси **Зухра ОДИЛОВА**ни турилган кунни билан муборакбод этади. Унга узоқ умр, ишларида муваффақиятлар тилайди.

## ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! "АЛОҚАБАНК"

жисмоний шахслар учун ҳар ойда фоизлар тўлаш шарти билан депозит сертификатларини тақдим этади.

Айланиш муддати	Фоиз ставкаси
1 ой (30 кун)	Йилига 17 фоиз
3 ой (90 кун)	Йилига 20 фоиз
6 ой (180 кун)	Йилига 22 фоиз
12 ой (360 кун)	Йилига 24 фоиз

Шунингдек, "Алоқабанк" жамғарилган маблағларни сақлаш мақсадида жисмоний шахслар учун жамғарма депозит сертификатларини тақдим этади.

Айланиш муддати	Фоиз ставкаси
3 ой (90 кун)	Йилига 48 фоиз
6 ой (180 кун)	Йилига 54 фоиз
12 ой (360 кун)	Йилига 60 фоиз

Маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: Тошкент шаҳри,

А. Толстой кўчаси, 1-уй.

Телефонлар: 133-62-54, 136-10-21.

Тошкент электротехника алоқа институти қуйидаги вакант лавозимларга танлов эълон қилади.

### Профессорлар:

- Менежмент ва Маркетинг — 1,
- Ўзбекистон тарихи — 1,
- Иқтисодиёт назарияси — 1.

### Доцентлар:

- Физика — 1,
- Эҳтимоллар назарияси ва статистика — 1,
- Информатика — 2.

### Катта ўқитувчилар:

- Ўзбекистон тарихи — 1,
- Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти — 4,
- Рақамли техника ва электралоқанда бошқарув — 1,
- Информатика — 1.

### Ассистент (ўқитувчи)лар:

- Ўзбекистон тарихи — 1,
  - Чет тиллар — 4,
  - Олий математика — 1.
- Аризалар эълон чоп этилгандан кейин бир ой муддат ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган мутахассисликлар бўйича профессорлар, фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари қатнашишлари мумкин.
- Институт манзили: Тошкент шаҳри, А. Темур кўчаси, 108.  
Телефон: 35-11-50.



...1218 йил охирилди. Мўғул боқинчиларининг вақийликлариди ҳақидаги гаплар узок Хитойдан Самарқандга ҳам етиб келди. У ерда бўлган савдогарлар Чингизхон ўтган йўлларда қалашиб ётган мурдалар ҳидидан нафас олиб бўлмастлигини айтди. Яна улар шундай хабар келтиришдики, боқинчилар қўлида хор бўлмасин дея 60 минг хитойлик қиз улкан девордан ташлаб юборилган...

"Наҳотки, Самарқанд аёлларини ҳам шундай қисмат кутаяпти?" Самарқандлик машхур савдогар Шарофуддин Лаъл ана шу мулоҳазани кўнглидан кеңира экан, аввало бегубор, ғазалларда таърифланганидек гўзал қизи Гавҳарни кўз ўнгига келтирди.

Боқинчилар қулфатидан узокроқ бўлиш мақсадига қўллаб савдогарларнинг қай бири Балхга, бошқиси Хиротта, яна кимдир Астрообода жўнаётганини кўриб турган Шарофуддин Лаъл ҳам оиласи билан йўлга отланди. У Хуросон шаҳарларининг онаси

— Балхни қулай манзил деб билди. Чунки бу ерда уларни савдогарнинг диний устози, "уламолар султони" шайх Баҳовуддин Валад Муҳаммад Аҳмад Ҳатиб кутарди. Шундай қилиб, Балхда узок

хни тарк этиб, Ларенда — ҳозирги Карама (Туркия) шаҳрига кўчиб ўтишди.

Орадан беш йил ўтди. Бу вақт давомида навқирон Жалолидин юрағида муҳаббат куртак ёзган эди. 1225 йилнинг кузи. Жалолидин

● БУЮКЛАР МУҲАББАТИ

иккинчи ватан бўлди. Афсуски, 1230 йилда Гавҳар — шoirнинг дил тубидаги гавҳари хасталанди ва бу дунёни тарк этди.

Айрилиқ Жалолидин Румий қалбини ўртайверди. У дардини унуттиш учун гўзал бир бевага уйланди. Иккинчи аёли бир ўғил ва бир қиз кўрди.

Бироқ бу никоҳ Жалолидинга Гавҳар билан ҳис этган туйғуларни беролмади.

Жалолидин Румий Куняда маърузалар қилди, шеърлар ёзди, кўп марта ўзга юртларда саёҳатда бўлди. У қаерда бўлмасин, самарқандлик савдогар қизига бўлган муҳаббатини бир умр унутолмади. 1273 йилда вафот этган шoirни Кунядаги қабристонга — севики Гавҳарининг ёнига дафн этдилар.

Матбуот материаллари асосида тайёрланди

# РУМИЙНИНГ ГАВҲАРИ

ҳижрондан сўнгги икки дўстнинг учрашуви қалбларни ҳаяжонга солди. Ушанда Баҳовуддин Валаднинг 12 ёшли Жалолидин исмили ўғли ва Лаълнинг эса Гавҳар исмили қизи илк бор кўришишида уларда қандайдир ҳис бўлганми, бўлмаганми ёлғиз Худога аён. Аммо ота-оналари эса фарзандлари улғайгач, тўй қилишни ният қилиб қўядилар. Савдогар оиласи Балхда уч ой яшаганларидан кейин, мўғул боқинчилари Мо-вароуннаҳрни ҳам оёқ ости қилгани, Самарқанд ва Бухорони харобага айлантиргани ҳақидаги хабар бориб етди. Улар ноилж Бал-

17 ёшида Гавҳарга уйланди. Ҳали машхур шoir бўлишга улгурмаган куёв ўз тўй кўнига бағишлаб ғазал битади. Жалолидин Румийнинг бу гўзал ғазали ҳамон шеърят мухлисларини тўлқинлантиради. Бир йилдан сўнг бўлажак машхур шoir, олим ва файласуф Жалолидин Румийга севгилиси ўғил туҳфа қилди. Болага бобоси шарафига Валад деб исм қўйишди. 1227 йилда эса оилада иккинчи ўғил — Оловуддин дунёга келди.

Шу йилдан бошлаб Жалолидинлар оиласи салжуқийлар пойтахти Куняда яшай бошлади. Бороғларга бурканган шаҳар улар учун

## ПАЙҒАМБАРИМИЗ НАСИҲАТЛАРИ

Уч хил сифат бордирки, кимда-ким уларга эга бўлса, Тангри уни енгил ҳисоб қилиб, ўз раҳмати ила жаннатига киргизади:

1. Заифалар билан хушмуомала бўлиш.
2. Ота-онасига шафқатли бўлиш.
3. Қўл остидагиларга ҳимматли бўлиш.

Яхши гумон қилиш ҳам ибодат қилиш билан баробардир.

Ҳар бир ишнинг салбий томонларини ҳисобга олиш айни эҳтиёткорликдир.

Аччиқ сабир (алои) асални бузгани каби, ҳасад имонни бузади.

Неъматга шукр қилиш унинг заволидан омон сақлайди.

Ҳаё билан камсуханлик имоннинг икки бўлак қисмидир. Уятсизлик ва сергаллик мунофиқликнинг икки бўлак қисмидир.

Сизларнинг яхшиларингиз ўз олган қарзларини чиройли қайтарадиганларингиздир.

Кимки дуоларим ижобат бўлсин, тавишларим бошимдан арисин деса, камбағаллар ҳолидан хабар олсин.

Никоҳнинг яхшиси — унинг маҳри енгилроқ бўлганидир.

"Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси жамоаси корхонанинг масъул ходими М. Йўлдошевга акиси **Ҳабибулло Йўлдошев**нинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изхор этади.



Самарқанд. Имом ал-Бухорий мақбараси.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат

## ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

Инсонга тортиқ этилган тибий неъматлар бисёр. Улардан бири вақтдир. Вақт дейишимиз биланоқ, дарҳол унинг энг катта душмани ёдимизга тушади: телевизор. Бу техниканинг фойдасини-ку, биласиз, лекин умримизга етказган зиёни ҳеч ўйлаб кўрганмизиз? Келинг, биргаликда ҳисоблаймиз. Сиз ҳар куни неча соат телевизор кўрасиз? Боринг-ки, ўртача 3 соат дейлик. Бир қарашча хавфсиздай туюлади. Лекин кун кетидан кун келиб, ҳафта бўлади, ой бўлади, йил бўлади, қарабсизки, умр ҳам ўтиб кетади. Агар ҳар куни телевизор кўриш учун 3 соатдан вақт кетса, бир йилда 1095 соатни ташкил этади. Бу эса телевизор кўриб ўтказилган 45 кеча-кундуз лемакдир.

Энди ўйлаб кўринг, телевизор "чангалида жон берган" 1095 соат бизга қандай наф келтиради? Бу рақам бир ўқувчининг ўқув йили давомида олган сабоқ соатлари йигиндидан ҳам кўпроқдир.

1095 соатда битта чет тилини мукамал ўрганиш мумкин. Агар бунинг ўрнига кимтоб ўқийдиган бўлсангиз, секин ўқиган тақдирингизда ҳам, 25 минг саҳифа китобни бемалол мутолаа қила оласиз.

Агар Куръони каримни

ўқийдиган бўлсангиз, 1095 соатда 10 марта хатм қиласиз (секин ўқийдиганлар хафа бўлмаса ҳам бўлади, зотан, уларга икки баробар кўп савоб ёзилади). Ёки бу вақтнинг учдан бир қисмини қазо намозларини ўқишга бағишласангиз, 3 йиллик қарздан қутуласиз. Агар бу ҳисоблар сизга

узун ва мураккаб туюлса, телевизорнинг фақат тонгги зиёнини олайлик. Бу Каъбадаги 100 миллионларча мусулмонларга қўшилиб, уларнинг тоати-ибодатларида иштирок этишдай бахтни қўлдан кетказиш деганидир.

Хўш, айтинг-чи, шунча йўқотилган вақтнинг ўрнини нима билан тўлдирасиз?

● БУ — ҚИЗИК!

## ҲИНДИСТОН ФИЛЬМЛАР МАМЛАКАТИ

Бир вақтлар ака-ука Люмерлар ўзларининг кинофильмларини Осиеда намойиш этиш учун Ҳиндистоннинг Бомбай шаҳрини маъқул топанг эдилар. "Поезднинг келиши" фильми премьераси Европада қўйилгандан сўнг бир неча кун ўтгач, 1896 йили, 7 июлда Бомбайнинг "Уатсон" меҳмонхонасида намойиш этилади. Худди шу кундан бошлаб Ҳиндистон мамлакатини кино уюшмаси пайдо бўлди ва ҳозиргача давом этиб келмоқда.

Ҳиндистоннинг энг йирик киномарказларидан бири — "Болливуд" ("Голливуд" ва "Бомбай" сўзларининг курама-си)дир. Ундаги биринчи студия 1912 йили ташкил этилган. Уша вақтдан бундан кинематографлари 30 мингдан ортик фильм яратишган. Ташаббускорлик жиҳатидан "Болливуд" америкалик ҳамкасбларидан қолишмайди: ҳар йили дав-

лат идораси текширув назоратининг прокатта чиқариш лицензиясини 500 дан 600 гача фильм олади (умуман олганда, бундан деярли 2 баравар кўп фильм суратга туширилади). Бундан 2 йил бурун эса, бу борада рекорд ўрнатилди — 934 картина яратилди!

Бир вақтлар ҳинд мумтоз фильмлари машхур бўлиб, прокатда энг "учари" ҳисобланарди (бизда деярли бошқа фильмларни сотиб олишмасди ҳам). Шунинг учун ҳам Раж Капурнинг "Дайди" ва "Чангда қолган гул" мелодрамасидаги кичик жафокеш образи Ҳиндистон киносининг ўзига хос ташриф белгисига айланган эди. Афсус, ҳатто Ҳиндларнинг ўзлари ҳам, 50-60 йиллардаги "Болливуд"нинг "олтин даври" фильмларини кўнглиларидан соғинч ила эслашади, кўмсашади.

МУАССИС:  
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:  
Шодмон  
ОТАБЕК

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:  
Шомансур ОБИДҲУЖАЕВ  
Шухрат ЖАББОР  
Анатолий КУДИНОВ  
Иззат АҲМЕДОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Мирғўлат МИРЗО  
Рустам ҚОСИМОВ  
Қуролбой ТЎЛЕБОВ  
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК  
КЕНГАШИ:  
Саидмахмуд АКБАРОВ  
Шохрух АКБАРОВ  
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ  
Меҳмонкул ИСЛОМҚУЛОВ  
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ  
Бобохон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000,  
Тошкент-35, А. Толстой  
кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:  
136-36-42, 136-35-29,  
144-29-09.  
Факс: 136-36-42.  
ИНДЕКС: 64600  
ЖУМА КУНЛАРИ  
ЧИҚАДИ

Тахририятга келган қўл-ёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақоладаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.

Буортма № Г-3039.  
4482 нусxada чоп этилди.  
Офсет усулида босилди.  
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.  
Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБОО АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ.  
Манзили:  
Тошкент шаҳри,  
«Буюк Турон» кўчаси,  
41-уй.

Босишга топширилди — 18.00  
Босишга топшириш вақти — 18.00